

ТОШКЕНТ ХАКЖАКАТИ

№ 156 (387)

7 АВГУСТ ЯКШАНБА

1955 ЙИЛ

БАХОСИ 20 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

Тўрт Давлат Ҳукуматлари Бошлиқлари Женева Кенгашининг яқунлари тўғрисида СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. А. Булганин доклади юзасидан СССР Олий Советининг

Қ А Р О Р И

Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи Олий Совети Тўрт Давлат — Франция, Қўшма Корольлик, СССР ва АҚШ — Ҳукуматлари Бошлиқлари Женева Кенгашининг яқунлари тўғрисида СССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ Н. А. Булганиннинг докладыни эшитиб ва муҳокама қилиб, СССР Иттифоқи Ҳукумат делегациясининг мазкур Кенгашидаги фаолиятини тўла равишда маъқуллайд.

СССР Олий Совети шуни қайд қилиб ўтадики, Совет Ҳукумат делегацияси Женева Кенгашида Совет давлатининг тинчликсевар ленинча ташқи сийосатини — совет халқининг ҳаётий манфаатларига, бутун дунёда тинчликни ва хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатларига мос бўлиб тушадиган сийосатни изчиллик билан ўтказди.

СССР Олий Совети шуни қайд қиладики, иккинчи жаҳон урушидан кейин давлатлар ўртасида пайдо бўлган халқаро кескинлик Совет Иттифоқи ва тинчликсевар бошқа давлатларнинг самарали фаолияти натижасида кейинги вақтларда бирмунча юмшад. Аввало Кореядаги урушнинг тўхтатилганлиги, шунингдек Хинди-Индиядаги уруш ҳаракатларининг тўхтатилганлиги, Австрия билан Давлат шартномаси тўзилганлиги; СССР билан Югославия ўртасидаги муносабатлар нормаллашиб, ҳар иккала мамлакат ўртасида дўстликни ва ҳамкорликни ривожлантириш йўлини очганлиги; Осиё ва Африка мамлакатларининг Бандунгдаги конференцияси муваффақият билан ўтказилганлиги; Хиндистон Бош вазири Ж. Нерунинг Совет Иттифоқидаги келиб-кетганлиги ва бунинг натижасида СССР билан Хиндистон ўртасидаги дўстона муносабатлар янада кўпроқ мустаҳкамланганлиги кескинликнинг мана шундай юмшашига ёрдам берди. Курол-яроғларни камайтириш, атом ва водород қуролини тақиқлаш ҳамда янги уруш хавфини йўқотиш масалалари юзасидан Совет Ҳукуматининг 10 майдаги таклифи халқаро кескинликни камайтирмоқ учун катта аҳамиятга эга бўлди.

Мана шуларнинг ҳаммаси, шунингдек тинчлик учун олиб борилаётган умумхалқ ҳаракатининг ҳукуматлар сийосатига ўтказган қучли таъсири Женевадаги Кенгаши муваффақиятли ўтказмоқ учун қулай вазият вужудга келтирди.

Женева Кенгашининг ишини жуда катта эътибор билан кузатиб турган бутун дунё халқларининг умидлари бекорга кетмади. Тўрт Давлат Ҳукуматлари Бошлиқларининг Женева Кенгаши давлатлар ўртасидаги муносабатларда бўлган кескинликни ва аввало Кенгашида қатнашган буюк давлатлар ўртасидаги муносабатларда бўлган кескинликни янада юмшатиш шидда муҳим роль ўйнади. Бу Кенгашнинг тарихий аҳамияти бор ва у давлатларнинг сийоси ва ижтимоий тузумидан қатъи назар улар ўртасидаги муносабатларнинг тинч-тотув бўлиб яшаш ва давлатлар ўртасида ишонч ўрнатилиш асосида яхшилаш соҳасида янги давр бошлаб бердики, давлатлар ўртасида шундай ишонч бўлмаса «совуқ муносабатлар урушини» тўхтатиш ҳамда халқлар ўртасида мустаҳкам ва узоқ давом қиладиган тинчликни таъминлаш мумкин эмас.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Олий Совети шу нарсани мамнуният билан қайд қиладики, давлатлар ўртасида ишонч ўрнатмоқ учун зарур бўлган ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик руҳи Женева Кенгаши

гашининг асосий белгиси бўлди. Тўрт Давлат Ҳукуматларининг Бошлиқлари яхши ният билан ҳамкорлик қилишга ва бамаслаҳат қарорларга эришиш йўлини топишга интилдлар.

СССР Олий Совети, Совет Иттифоқи, Америка Қўшма Штатлари, Англия ва Франция ташқи ишлар министрларининг шу йил октябр ойида қақриладиган Кенгаши Ҳукуматлари Бошлиқлари ишлаб чиққан Директиваларга амал қилиб, ҳал этилмаган халқаро масалаларни бартараф қилиш йўлида олдинга томон яна қадам қўяди, деб умид билдиради.

СССР Олий Совети, Тўрт Буюк Давлат Ҳукуматлари Бошлиқларининг Женева Кенгашида бир-бирлари билан шайхсий алоқа боғланганликлари мамлакатлар ўртасида амалий ҳамкорлик қилиш вазиятини вужудга келтиришга ёрдам беради, деб ҳисоблайди. Мана шу шайхсий алоқаларни янада ривожлантириш тинчлик ва халқаро ҳамкорлик ишини мустаҳкамлаш манфаатларига, ҳеч шубҳасиз, мос бўлиб тушади.

СССР Олий Совети ташаббуси билан Парламентлар ўртасида бевоқиф алоқалар боғланаётганлиги ва Парламентлар ўртасида делегациялар айирболашаётганлиги ҳам халқаро вазиятни юмшатиш ишидаги ижобий фактордир. Бу алоқалар ҳам кенгайтирилади деб умид қилиш керак.

СССР Олий Совети Ишонч билдириб айтадики, мамлакатларнинг ижтимоий ва сийосий тузумларидан қатъи назар, суверен ҳуқуқларни ҳурматлаш, уларнинг ҳақийқатларига аралашмаслик асосида мамлакатлар ўртасида янада кенроқ сийосий-иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатилиши халқларнинг манфаатларига мос бўлиб тушади ва тинчликни, улар ўртасида дўстликни ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга олиб келади.

СССР Олий Совети шу нарсани аминдирки, Женева Кенгаши ва Тўрт Давлат Ҳукуматлари Бошлиқларининг ташқи ишлар министрларига берган Директивалари халқларнинг бутун дунёда тинчликни мустаҳкамламоқ учун олиб бораётган курашини янада кучайтиришда янги дастак бўлади. Тўрт Давлат Ҳукуматларининг Бошлиқлари томонидан Женевада қўйилган вазифалар умумий тинчлик ва халқларнинг хавфсизлиги манфаатларини қўлайлидан конкрет қарорларга гавдаланмоғи учун тинчликсевар халқлар лозим бўлган даражада ҳушёрлик ва зарур даражада сабот қўрсатишлари шубҳасиздир.

СССР Олий Совети шуни айтадики, Совет Иттифоқи тинчлик, халқаро ҳамкорлик, халқаро кескинликни юмшатиш сийосатини ўтказиб келди ва бундан бундан ҳам ўтказди, энг муҳим халқаро проблемаларни музокара олиб бориш йўли билан тинч ҳал қилиш манфаатларини қўлайли, давлатлар ўртасида ишонч ўрнатилишига ҳаракат қилади, СССР Олий Совети бу йўлда уни барча парламентлар ва ҳукуматларнинг қўллаб-қувватлашига умид билдиради.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Олий Совети шу нарсани жуда аминдирки, барча халқлар билан тинч ва дўст бўлиб яшашга астойдил ва қизгин интилаётган совет халқи ўз Ҳукуматининг тинчликсевар ташқи сийосатини яқинлик билан қувватлаб ва коммунистик курилшининг улуғ идеялари билан руҳланиб, ўз ватанининг қудратини янада яшатиш учун бундан бундан ҳам янада зўр қайрат билан курашади.

СССР Олий Советининг учинчи сессиясида СССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ Н. А. Булганиннинг 1955 йил 5 августда сўзлаган охириги сўзи

Депутат ўртоқлар!

Мен ҳуқуқ мамнуният билан шуни айтиб ўтишим керакки, тўрт давлат Ҳукуматлари Бошлиқлари Женева Кенгашининг яқунлари тўғрисидаги докладыни Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг қўшма мажлисида муҳокама қилиниши ва депутатларнинг нутқлари Олий Совет Совет Иттифоқи Ҳукумат делегациясининг мазкур Кенгашидаги позициясини ва фаолиятини тўла равишда маъқуллаганини кўрсатди. (Сулдурос қарсанлар).

Женева Кенгашидаги Совет Ҳукумати делегацияси Совет Давлатининг тинчликсевар ленинча ташқи сийосатини, совет халқининг ҳаётий манфаатларига, бутун дунёда тинчликни ва хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатларига мос келадиган сийосатни изчиллик билан ўтказди.

Ижтимоий системадари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув бўлиб яшаш тўғрисидаги ленинча улуғ принциплар сийосат асосларининг асоси бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Совет Иттифоқи Ҳукумати кескинликни янада юмшатишга ва давлатлар ўртасидаги муносабатларда ишончли мустаҳкамлашга, мустаҳкам ва узоқ давом қиладиган тинчликни ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган сийосат барча халқларнинг тўб манфаатларига ва уларнинг қилган интилишларига — уларнинг тинчлик ва оқилолликка бўлган интилишларига мос келадиган сийосат эканлигига асосланиб, мана шундай ташқи сийосатни бундан бундан ҳам оғимий ўтказиб беради. (Қарсанлар).

Тўрт давлат Ҳукуматлари Бошлиқларининг Женевадаги Кенгаши тинчликни мустаҳкамлаш иши учун ижобий натижалар берди ва биринчи марраба халқаро масалалар юзасидан муҳим қарорлар қабул қилишга олиб келдики, бунга шайх-шайх бўлиши мумкин эмас. Совет Ҳукумат делегациясининг халқаро проблемаларни кўриб чиқишда активлик билан реализмни иш олиб бораётганлиги ҳамда шу проблемаларни музокара олиб бориш йўли билан ҳал қилишга интилагани Женева Кенгашининг муваффақиятли бўлиб чиқишига кўп жиҳатдан ёрдам берди.

Женевадаги Кенгашнинг бошқа қатнашчиларига ва шу жумладан АҚШ, Англия ва Франция Ҳукумат делегацияларининг бошлиқларига — Америка Қўшма Штатлари президенти Эйзенхауэр жанобларига, Англия бош вазири Иден жанобларига ва Франция бош вазири Фор жанобларига ҳам лозим даражада баҳо бермасдан ўтиб бўлмайди.

Муҳокама қилинган проблемаларнинг моҳияти устида позициялар турлича бўлганига қарамай бизлар сингари АҚШ, Англия, Франция Ҳукуматларининг Бошлиқлари ҳам умумий тил топишга ва умумий тинчлик ҳамда хавфсизлик иши учун жуда муҳим аҳамиятга бўлган халқаро масалаларни ҳал қилиш йўлини белгилашга яхши ният билан, астойдил интилдлар. (Қарсанлар). Женева Кенгашининг ижобий натижалари Кенгаши қатнашчиларининг ҳаммаси томонидан ҳамжиҳатликка эришиш ва барча мамлакатларнинг манфаатларини қўлайлидан ва бир-бирларига маъқул бўлган қарорларга келиш йўлини қилиришда биргаликда куч ва қайрат сарф қилганликларининг самарасидир. Кенгаши қатнашчилари мавжуд антагонизмликларни тинч йўл билан ҳал қилиш, барча халқаро проблемалар юзасидан бўлган кўп назарларни келтириш имкониятларини янада ва бу проблемаларни барча томонларнинг ҳаққоний талабларига мос келадиган қилиб ҳал этишга интилиш ишига экинликларини неча марта баҳо қилишди. Уларнинг бу гаплари, ҳеч шубҳасиз, буюк давлатлар ўртасида ишонч ўрнатмоқ учун катта ижобий аҳамиятга эга бўлиши лозим. Ҳукумат Бошлиқларининг Женевадаги Кенгаши таом бўлганлиги кейин АҚШ президенти Д. Эйзенхауэр жаноблари, Англия бош вазири И. Иден жаноблари ва Франция бош вазири Э. Фор жаноблари уларнинг баёнотларида ва нутқларида Женева Кенгашидаги вазият учун характерли бўлган ҳамкорлик ва ҳамжи-

ҳатлик руҳини бундан кейинги музокарада ҳам сақлаб қолиш ниятида аёнликларини изҳор қилганликлари сабабли бунинг учун ҳам мен Совет Ҳукумати номидан катта миннатдорчилик билдираман. (Қарсанлар).

Уларнинг бу истаги Совет Ҳукуматининг интилишларига тўла равишда мувофиқдир. (Давомили қарсанлар). Биз шу нарсани аминдирки, тўрт давлат ташқи ишлар министрларининг шу йил октябрда бўлган Кенгашида мана шу руҳини сақлашни бу Кенгашнинг муваффақиятли ишлашига гаров бўлади, муҳим халқаро проблемаларни кўриб чиқиш ва бартараф қилишда янги ижобий натижаларга эришиш учун гаров бўлади.

Халқаро муносабатлардаги кескинликни таоминла йўқотишга ва Давлатлар ўртасида тўла ишонч ўрнатилишига эришмоқ учун дастлаб ҳал қилиниши лозим бўлган проблемаларнинг қийинчилигини Совет Ҳукумати асло ҳам қилиб кўрсатмайди ва бу проблемаларнинг қийинчилигини жуза яхши билади.

Шу сабабли биз ташқи ишлар министрларининг бўлаётган Кенгашига жуза катта аҳамият бермоқдамиз. Бу Кенгаши Женевада Ҳукуматлар Бошлиқлари муҳокама қилган масалаларни кўриб чиқиши давом этдириш ва шу масалаларни ҳал қилиш учун самарали тадбирлар таълиф қилини лозим. Ҳукуматлар Бошлиқларининг ташқи ишлар министрларига берган директиваларига мувофиқ, Женева Кенгашида ўртага ташланган тақдирларнинг ҳаммаси кўриб чиқиши ва Ҳукуматларнинг Бошлиқлари айтган фикрлар ҳисобга олиниши керак.

Совет Ҳукумати Женева Кенгашининг қарорларини қатъий равишда бажаришга эришишга қаттиқ бел боғланганлигини мен ўз докладыда айтиб ўтдим.

Шу муносабат билан шуни айтиб ўтмоқчиманки, чет эллардаги баъзи газеталар АҚШ президенти Д. Эйзенхауэр жаноблари томонидан Женева Кенгашида қуролсизланиш масаласида қилинган тақдирлар ҳақида меннинг докладыда айтилган мулоҳазаларни рўқаб қилиб, Совет Ҳукумати бу тақдирларни тўла равишда рад қилмоқда деган гаплар билан аҳволи бутунлай нотўғри тушуниришга уринмоқдалар.

Биз, табиий, қурол-яроғларни камайтириш ва атом урушини тақиқлаш масалалари юзасидан ўзимиз қилган тақдирлар учун қизгин курашамиз, лекин шу проблемани ҳал қилиш йўлини топишга астойдил интилиб қилинадиган бошқа тақдирларни ҳам жиддий равишда кўриб чиқишдан беш тортимайиз. (Қарсанлар). Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар ўртасида ҳарбий информация айриболаши ташкил этиш тўғрисида ва ҳар иккала мамлакат территориясини ўзаро аэрофотосъёмка қилиш ишларини ўтказиш тўғрисида АҚШ президенти Эйзенхауэр томонидан айтилган тақдир ҳудди мана шундай тақдир эканлигини мен ўз докладыда айтиб ўтдим.

Совет Ҳукумати мана шу жуда муҳим масалада позицияларни яқинлаштириш ва бамаслаҳат бир фикрга келиш зарурлигини назарда тутиб, Эйзенхауэр жанобларининг тақдирларини диққат билан жиддий ўрганмоқда ва ўрганмади.

Биз шу нарсани аминдирки, Женева Кенгашининг қатнашчилари халқларга тинчлик бўлиши учун бундан бундан ҳам олиб бориладиган курашда биргаликда ҳаракат қилдилар ва бундан кейинги ишлар яхши боради, ишонч охири яхши бўлади. (Давомили қарсанлар).

Шонли Коммунистик партиямиз ва унинг Марказий Бюроети раҳбарлигини Совет Ҳукуматининг ташқи сийосати кўп миллионли совет халқи томонидан ва барча тинчликсевар мамлакатларнинг халқлари томонидан ақлидан билан маъқулламоқда. Бу эса партиямиз ва Ҳукуматимизнинг халқаро кескинликни юмшатишга, давлатлар ўртасида ишонч ўрнатилишга, янги уруш хавфини йўқотишга, давлатларнинг ижтимоий система-ларидан қатъи назар улар ўртасида ҳамкорлик ўрнатилишга қаратилган ташқи сийосат йўлини ташқи сийосатда бизнинг янада муваффақиятли қозонишга таъминлайди деб бизнинг ишонч-чимизни мустаҳкамлайди. (Гулдурос давомили қарсанлар).

СССР Олий Советининг учинчи сессияси

СССР Олий Совети учинчи сессиясининг кечки мажлиси Иттифоқ Совети Раиси А. П. Волков раислиги остида ўтди. Тўрт давлат Ҳукуматлари Бошлиқлари Женева Кенгашининг яқунлари тўғрисида СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин доклады юзасидан музокара давом қилди.

Депутат И. И. Чурсинов Урал меҳнаткашлари номидан сўзлаб, Совет Ҳукумат делегацияси қилган самарали ишдан мамун бўлганлигини айтди.

Женева Кенгашининг муваффақияти, — деди И. И. Чурсинов, — тинчликсевар барча халқларнинг муваффақиятидир. Халқлар ўртасидаги ўзаро алоқалар, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик мустаҳкамланган ва ривожланиб боради.

Женевадаги Кенгаши натижасида халқаро кескинлик юмшад, — деди депутат Чурсинов, — лекин чет мамлакатларда Женева Кенгашининг аҳамиятини камсатмаётган, зўр бериб қуроланиш давом этдириши таъриб қилаётган, халқларни «совуқ муносабатлар уруши»га тортаётган одамлар ва маъбуот органлари ҳали ҳам бор, бунга кўз юмиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ҳушёр бўлишимиз, ҳаммиса сергак бўлиб туришимиз лозим. Бунинг маъноси шунки, биз ишчилар бутун совет халқи билан биргаликда янада кўпроқ қайрат қилиб умумий меҳнат қилишимиз лозим.

Нотияқ Урал меҳнаткашларининг ишлаб-қилишига муваффақиятларини таъриб берди.

Депутат Ф. С. Генералов (РСФСР), колхозчилар Совет Ҳукуматининг ташқи сийосатини, тинчликни сақлаш тўғрисида ҳормай-томай қилаётган таърибларини яқинлик билан маъқулламоқда, деди Ф. С. Генералов Москва область Луҳовини районда ўз раҳбарлик қилаётган Сталин номли колхознинг ишлардан мисоллар келтириб, Совет Иттифонининг колхозчи деҳқонлари мамлакат аҳолиси учун озиқ-овдатни ва сановат учун хомашини мўлақат қилиб ештириб бериш, тинчликни мустаҳкамлашдек умумхалқ ишига ўз меҳнатлари билан кўмега қилиш мақсадида ишчилар сийфининг ёрдами билан, ўларнинг куч ва меҳнатларини аяматганликларини таъриб берди.

Халқ ҳўжалигимизнинг муваффақиятлари сингари Совет Иттифоқи ташқи сийосатининг муваффақиятлари ҳам, — деди нотияқ, — колхозчиларини ва барча совет кишиларини меҳнат соҳасида янги галабала қозонишга маъқулламоқда.

Сўнгра депутат И. Г. Назин (Эстония ССР), сўзга чиқиб айтдики, Женева Кенгаши давлатлар ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда тарихий босқич бўлди. Уруш ва вақтинча оккупация натижасида эстон халқи кўп зарар кўрди, шунинг учун ҳам у урушга нафрат билан қаради, Совет Ҳукуматининг тинчликсевар сийосатини қизгин равишда таъриб қилмоқда.

Сўнгра нотияқ Эстония Совет Социалистик Республикаси барпо бўлгандан бундан ўтган ўн беш йил мобайнида эстон халқининг ҳўжалик ва маданий қурилишида эришган катта галабаларини таъриб берди. У айтдики, мамлакатлар ўртасидаги алоқанинг ривожланиши тинчлик учун қу-

рашда катта аҳамиятга эга. Совет Иттифоқи мана шундай алоқани ривожлантирмоқ учун ҳамма чораларни кўрмоқда. Брок, — деди И. Г. Назин, — кўпгина мамлакатларда ҳали ҳам ёмон ниятда кишилар бор, улар совет республикаларидаги аҳвол тўғрисида, жумладан, Болтиқбўйи республикаларидаги аҳвол тўғрисида уйдирма гапларни тарқатмоқдалар. Мамлакатларнинг бир-бирларига делегациялар юбориб туришлари мана шундай уйдирма хабарлар тарқатилишига қарши курашишга ёрдам беради.

Иттифоқ Совети Ташқи ишлар комиссиясининг Раиси депутат М. А. Суслоев сўз берди.

У шуни қайд қилиб ўтдики, ўртоқ Н. А. Булганиннинг докладыда ва Олий Совет депутатларининг нутқларида тўрт давлат Ҳукуматлари Бошлиқлари Женева Кенгашининг яқунлари ва аҳамияти тўғрисидаги масала ҳартомонлама ериштирилди ва сўзга чиқадиган ҳаммаси, Совет Ҳукумат делегациясининг Женева Кенгашида жуда катта ижобий иш қилганлигини айтиб ўтдилар.

Женева Кенгашининг яқунлари, — деди сўнгра М. А. Суслоев, — халқаро вазиятни кўп йиллардан бери захарлаб келган «сузравонлик позициясига таяниш» сийосати деб атаган сийосатининг ширманликка учраганлигидан далolat беради. М. А. Суслоев ишонч билдириб айтдики, эди, Женева Кенгашида кейин «сузравонлик позициясига таяниш» сийосати давлат сийосатидан узи-қесил ва қайтиб олинмайдиган қилиб аҳривга топширилади. Мажлисагаилар бу сўзларни давомли қарсанлар билан кутиб олдилар.

Депутат М. А. Суслоев, совет халқи барча халқлар билан дўст бўлиб тинчликда яшашга астойдил интилаганлигини айтиб берди, бундан кейин бошқа барча давлатлар ҳам Женевада бўлган ҳамкорлик руҳини давом эттирадиган бўлсалар, у ҳолда тинчликни сақлаш ва халқаро кескинликни юмшатиш вазифаси муваффақиятли равишда ҳал қилинади.

М. А. Суслоев Олий Совет Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети ташқи ишлар комиссиясининг номидан ўртоқ Н. А. Булганин доклады юзасидан қарор проектини сессия муҳокамага тақдим қилади. Бу қарор проектида СССР Иттифоқи Ҳукумат делегациясининг Женева Кенгашида қилган ишлари тўла равишда маъқулланалди. Проектда айтиладики, Женева Кенгаши давлатларнинг сийоси ва ижтимоий тузумларидан қатъи назар улар ўртасидаги муносабатларни яхшилашда янги босқични бошлаб берди. Давлатлар ўртасида ишонч ўрнатилиши учун зарур бўлган ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик руҳи Кенгашнинг асосий белгиси бўлди. Проектда, Женева Кенгаши ва ташқи ишлар министрларига тўрт давлат Ҳукуматлари Бошлиқларининг директивалари халқларнинг бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш учун курашини янада кучайтирадиган янги воясига бўлади, деб ишонч билдирилади.

Сессия қатнашчилари депутат М. А. Суслоев томонидан киритилган қарор проектини қизгин қарорлаб билан қутиб олдилар.

Раислик қилувчи, музокаралар тўхтати-

сия деган тақдир тузиш, — деди. Депутатлар бу тақдирни қабул қилдилар.

Сўнгра ССР Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси депутат Н. А. Булганин охириги сўзга чиқди. Уни депутатлар ва меҳмонолар қизгин равишда кутиб олдилар.

Н. А. Булганин, музокарада маъму бўлишига, Олий Совет Совет Иттифоқи Ҳукумат делегациясининг Женева Кенгашидаги позициясини ва фаолиятини тўла равишда маъқуллаганини учун ўзининг гоат мемуни бўлганлигини билдиради.

Совет Ҳукумат делегациясининг халқаро проблемаларни кўриб чиқишда активлик билан реализмни иш олиб бораётганлиги ҳамда шу проблемаларни музокара олиб бориш йўли билан ҳал қилишга интилагани Женева Кенгашининг муваффақиятли бўлиб чиқишига кўп жиҳатдан ёрдам берди. Н. А. Булганин айтдики, Женевадаги Кенгашнинг бошқа қатнашчиларига ва жумладан АҚШ, Англия ва Франция Ҳукумат делегацияларининг Бошлиқларига — Америка Қўшма Штатлари президенти Эйзенхауэр жанобларига, Англия бош вазири Иден жанобларига ва Франция бош вазири Фор жанобларига ҳам лозим даражада баҳо бермасдан ўтиб бўлмайди. Женева Кенгашининг ижобий натижалари, — деди Н. А. Булганин, — Кенгаши қатнашчиларининг ҳаммаси томонидан ҳамжиҳатликка интилиш ва барча мамлакатларнинг манфаатларини қўлайлидан ва бир-бирларига маъқул бўлган қарорларга келиш йўлида биргаликда куч ва қайрат сарф қилганликларининг самарасидир.

Н. А. Булганин, Женева Кенгаши таом бўлганлиги кейин Эйзенхауэр, Иден ва Фор ўларнинг баёнотларида Женева Кенгашидаги вазият учун характерли бўлган ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик руҳини бундан кейинги музокарада ҳам сақлаб қолиш ниятида аёнликларини изҳор қилганликлари сабабли Совет Ҳукумати номидан миннатдорчилик билдириб бердики, уларнинг бу истаги Совет Ҳукуматининг интилишларига тўла равишда мувофиқдир. Ўртоқ Булганин уқтириб айтдики, Совет Ҳукумати ташқи ишлар министрларининг бўлаётган Кенгашига жуда катта аҳамият бермоқда. Бу Кенгаши Женевада Ҳукумат Бошлиқлари муҳокама қилган масалаларни кўриб чиқиши давом этдириши ва шу масалаларни ҳал қилиш учун самарали тадбирлар таълиф қилини лозим.

Правадага ўртоқ Булганин ишонч билдириб айтдики, Женева Кенгашининг қатнашчилари халқларга тинчлик учун бундан бундан ҳам олиб бориладиган курашда биргаликда ҳаракат қилдилар ва бундан кейинги ишлар яхши боради, ишонч охири яхши бўлади.

Н. А. Булганиннинг охириги сўзида кейин раислик қилувчи ҳар иккала палата ташқи ишлар комиссиялари номидан депутат М. А. Суслоев тақдим этган қарор проектини овоғга қўлди.

СССР Олий Совети бу қарорни бир овоздан қабул қилади.

Раислик қилувчи А. П. Волков сессиянинг кун тартибни таом бўлганлигини айтиб, СССР Олий Советининг учинчи сессиясини ёпиқ деб эълон қилади. (ТАСС).

КПСС XX с'езди шарафига

Пландан ташқари 1 миллион 740 минг сўмлик маҳсулот

КПСС Марказий Бюроети июль Пленумининг қарорлари Тошкент консерва заводи коллективининг меҳнат кўтаринклигини ҳарқатонидан ҳам ошириб юборди. Меҳнатсевар коллектив Пленум қарорларига амалий иш билан жавоб бериб, ҳаққ истеъмол учун юқори сифатли консерва маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқда.

Заводи яримйиллик ишлабчиқариш плани муддатидан илгари — 25 майда бажарилади. Корхона ишчилари, хизматчилар ва инженер-техник ходимлари КПСС XX с'езди шарафига бошланган социалистик муносабатга қўшилиб, қайрат билан меҳнат қилишлари туфайли етти ойлик план ҳам маҳсулотнинг ҳамма турлари бўйича ошириб адо этилади. Пландан ташқари 1 миллион 740 минг сўмлик консерва маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Ички иқтисоднинг тўла ишга солиш ва хомаш'дан умумий фойдаланиш натижасида меҳнат умумдорли

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Ҳосилга-ҳосил қўйиши ойда оммавий-сиёсий ишларни янада кучайтирамиз

Партия ва Ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигини яқин равишда юксалтириш тўғрисидаги тарихий қарорларидан илҳомланган Оқдўғрон район қолхозчилари, МТС ва совхоз ишчилари бу йил пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштириш, чор-ваччиликни ривожлантириш ва чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Район партия комитети, райкомнинг МТС бошлари бўйича инструкторлик гуруҳлари, қолхоз, МТС ва совхоз бошчилиги партия ташкилотлари район меҳнатчиларини 1955 йил хўжалик вазифаларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этишда катта ишлар қилдилар. Партия ҳодимлари ва агитаторлар бу йил район қолхозлари бўйича ҳар гектардан ўрта ҳисоб билан 25 центнердан, совхозларда эса, 30 центнердан пахта етиштириш кўрсаткичларини қўйишга асосланди, МТС ва совхоз ишчиларига тушунтирилди. Қолхозлар, бригадалар ва аэроплан ўрғинаси, шунингдек совхоз ва МТС ишчилари ўрғинасида социалистик мусобақа жонг йўлга қўйилди. Мусобақа илгирлари учун район партия комитети ва район икромия комитетининг кўмаги қилиб байроқ ташкил қилинди ва шунинг натижасига қараб, ҳар 10 кунда бу байроқ мусобақа илгирларига бериб турилади.

Партия ташкилотлари экин кампанияси бошланғич балоғат қолхозчи ва механикаторлар ўрғинасида оммавий-сиёсий ишларни мутамом олиб боришга алоҳида эътибор бердилар. Қолхозларга 136 та дала шийони жиҳозланди. Агитаторлар состави сиёсий тайёргарлини етарли бўлган қишлоқ интеллигентлари ҳисобига мустақамланди. 23 кишидан иборат лекторлар гуруҳи ташкил қилинди. Ила бошидан бери шифалик лекторлар, сиёсий ва илмий билгиларни тарғаб учини жамаат аъзолари томонидан қолхозлар, МТС ва совхозларга турли тоналда 363 лекция ва 200 дан ортиқ доклады ўқилди. Легион ва докладынинг тематикаси хилма-хил бўлиб, лекторлар ўз темаларини галгаги хўжалик вазифаларига доғраб ишлаб чиқдилар. Лекторлар ва агитаторлар оташин суҳбатлари билан район меҳнатчиларини пахтачилик, чорваччилик ва хўжаликнинг бошқа томонларини ривожлантиришга сафарбар этишга, меҳнат интизомини мустақамлашга, қолхозчилар, МТС ва совхоз ишчиларининг ватанпарварлик ҳиссини кучайтиришга катта хизмат кўрсатдилар.

Район партия ташкилотлари қолхозчилар ва механикаторлар ўрғинасида сиёсий-ағитацион ишларни кучайтириш туғайли қити экинчи ойдаги биринчи бўлиб туғайли таълимни олишга эришти. Пахтачиликда янги прогрессив усул—квадрат-уялаб ва торқатлаб экин биринчи йил кенг қўйилди. Қўйилганга қарамай, бу иш муваффақиятли ўтказилди ва ўзгариш қатор ораларини узунасига ҳамда кўчданганга ишлар яхши натижа берди. Ўзга парварлашда мўл меҳнат қилдириб, ҳар қандай қолхозда мингларча меҳнат кўни тежади, агротехника тадбирлари асосан механикаторлар кўни билан бажарилади.

Район партия ташкилотлари оммавий-сиёсий ишларни яхши йўлга қўйиш ва прогрессив усуллари кенг қўйилиши, агротехника тадбирларини юқори сифатли ўтказиш натижасига шунга эришти, ўзгариш ривожланиши ва ҳосил тўпланиши ақдарили йилларига қараганда янча яхши бўлди. Масалан, «Ленинбод» қолхозини олиб кўрайлик.

Бу қолхознинг аъзолари 640 гектар пахта майдонидан 30 центнердан ҳосил етиштиришга мажбурият олганлар. Қолхоз партия ташкилотлари юқори ҳосил учун курашда

яқиндан бошчилик қилди. Бутун майдонда ўзаалар узунасига ва кўчданганга 4 марта култивация қилинди. 3 марта чўқур чўқиб ўтказилди, 2 марта минерал ва маҳаллий ўғит билан озилантирилди. Айниқса, янги усул билан квадрат-уялаб экинган 475,5 гектар ўзаа текис ривожланиб, мўл ҳосил тўпаламоқда. «Ленинбод» қолхозининг аъзолари фитофтороза меҳнат қилиб, мусобақада биринчи ўринни эгаллашди ва район партия комитети ҳамда район Совети икромия комитетининг кўмаги қилиб байроқини олишга муваффақ бўлдилар.

Мўл ҳосил учун курашда ва қишлоқ хўжалигининг бошқа томонларини ривожлантиришда, бу қолхознинг эришган муваффақиятида бошчилиги партия ташкилотлари (секретари ўртоқ Халидов) таълим роли ўйнади. Партия ташкилати ва агит-коллективнинг қолхозчи ва механикаторларини меҳнатта коммунистик мусобақатда бўлиш руҳида, совет ватанпарварлиги руҳида тарбиялаш орқали бунга эриштилар.

Ворошилов номи қолхоз партия ташкилотлари (секретари ўртоқ Саломов) ҳам оммавий-ағитацион ишларига катта эътибор берди. Бу қолхозда ўзаалар текис ривожланишда ва мўл ҳосил тўпаламоқда.

Қарм Марк номи, Будённий номи қолхозлари, Сталин номи 16-чи совхозда ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштиришга коммунистлар бошчилик қилмоқдалар ва бутун кўчин олганда социалистик мажбуриятни шараф билан бажаришга сафарбар этилдилар.

Маълумки, август ойи—область қолхоз ва совхозларида ҳосилга-ҳосил қўйиши ойда деб эълон қилинди. Район партия комитетини ҳосилга-ҳосил қўйиши ойна муваффақиятли ўтказиш, бутун пахта майдонидан мингларча тонна қўшма ҳосил етиштириш учун барча коммунист ва комсомолларни бу ишга бошчилик қилишга даъват этилди. Бу йил парваршида қолхозчи ойдаги қолхозларни алоҳида ҳисобга олиб чиқдик. Оқушбеков номи, Қалинин номи, Навоий номи ва Ленин номи қолхозларида қўшма кўчлар сафарбар қилиниб, ўзааси ривожланиши кейинда қолта уячаларда култивация, чўқиб, озилантириш, суғориш ўтказилди. Район марказига ишчи ва хизматчилар Навоий номи қолхозга ёридан уюштириб, 100 гектардан ортиқ ўзаани чўқилди чўқилди бердилар. Қолхозларда ўзаани парварши қилишга қўшма кўчлар сафарбар қилинмоқда. Шунинг билан бирга ўзаа парваршида банд бўлган қолхозчи ва механикаторларга тегишли маиший-маданий шарт шартини олиб беришга эътибор берилмоқда. Дала шийонларида оммавий-сиёсий ишлар янада кучайтирилди. Шу кунларда 250 коммунист ва 160 дан ортиқ комсомоллар бевосита дала иши билан банд бўлган қолхозчи ва механикаторлар ўрғинасида ағитацион ва пропаганда ишларини олиб боришди. Деярли га-веталар, «Жанговар варақа»лар чиқарилмоқда, кўрсаткич тахталари ва «Хурмат тахтасига» мусобақа натижалари ёзиб берилмоқда.

Оқдўғрон район—областимизнинг йирик шахтакор районларидан биридир. Район партия ташкилотлари ҳосилга-ҳосил қўйиши ойда қолхозчи ва механикаторлар ўрғинасида оммавий-сиёсий ишларни янада кучайтириб, мўл ҳосил тўпашга, давлат пахта таъбирлаш пиланини сўзсиз ва ошқириб бажаришга эришиш учун бутун куч ва имкониятларини тўла сафарбар этиди.

Оқдўғрон район партия комитетининг секретари.

О. УСМОНОВ,



Каганович номи Тошкент паровоз-вагон ремонт заводининг коллективи КПСС XX с'езди паравозга ўзаро социалистик мусобақани тобора изиштириб юрмоқда. Заводда ўртоқ Р. Фахриддинов бошлиқ слесарьлар бригадасининг ишчилари смена топшириғини 250 — 300 процентдан бажаришмоқдалар. Сурагда: (чапдан ўнгга) мастер Г. Воробьев Р. Фахриддинов бошлиқ бригада аъзоларининг бажарган ишини қабул қилиб олмақда.

В. Лейзерович фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Ўзбекистон Совет ёзувчилари союзида

1. СЕКЦИЈЛАРДА

Ўзбекистон Совет ёзувчилари союзининг поэзия, драматургия, болалар адабиёти секциялари кейинги пайтларда ўз фаолиятини янча яхшилади. Авторлар билан ишлаш тўғрисида йўлга қўйилди, муҳокамаларда қатнашувлар сон кўпайди, бирор янги асар ёзиб кетганлар фойдали маслаҳатлар олмақдалар.

Поэзия секцияси (бошлиғи шоир Мир-темир) кейинги 8 ой ичида 37 авторнинг поэма, тўплам, танланган асарлар китобини муҳоказма қилди. Булар орасида Ойбек, Собир Абдулла, Ҳайит, Мирмуҳаммад, Назармат сингари шоирларнинг тўпламлари кенг муҳоказма қилиниб ва бошқа тавсия этилди. Қозир бу асарлар бошқа тайёргарли, Шунингдек, ёш шоирлардан Шотурсун Ҳасенов, Хайридин Саломидинов, Яхши Қурбонбаевларнинг биринчи тўпламларини чиқариш маъқул кўриди. Бағиз шоирларнинг шер тўпламларидан муҳим камчиқлар кўрсатилиб, авторларга фойдали маслаҳатлар берилди.

Драма секциясида кейинги пайтда Собир Абдулланинг тўғимачилар ҳақидаги амазоний пьесаси, Ойбекнинг «Чин муҳаббат» драмеси, Аҳмад Бобоқоннинг Хамид Олимжон номида асосида ёзилган «Ойгул ва Бахтиёр» пьесаси муҳоказма қилиниб Муқимий номи, Хама номи ва Ёш тамошачилар театраларида сахнага қўйиш учун тавсия этилди. Шунингдек, И. Аҳмедов ва О. Топиловларнинг «Ўзбек халқ арғани асосида ёзилган «Сирли сандиқ» пьесаси муҳоказма қилиниб, ёш тамошачилар театрга топширилди.

Проза секциясида Ёзувчилар Шукровнинг «Биринчи парвоз» повестини, Саида Зуннунованинг ҳикоя ва очерклар тўпламини муҳоказма қилиб, авторларга тегишли маслаҳатлар берди.

2. ДРАМАТУРГ СОБИР АБДУЛЛАНИНГ ЮБИЛЕИ

Бу йил Ўзбек совет адабиётининг яўғиз кўринган вақли, шоир ва драматург, Ўз-

КУЧМА КИНО

Ўртасарой район маданият бўлими томонидан ташкил этилган кўчма кино қолхозларга намунави хизмат қилмоқда. Кўчма кино район қолхозларида бўлиб, меҳнатчиларга турли ҳужжатли ва бадиий фильмлар кўрсатапти.

бокистон ОССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Собир Абдулланинг туғилганга 50 йил тўғди. Шу муносабат билан ёзувчилар союзининг президиуми 7 кишидан иборат юбилей комиссиясини тузди. Комиссия асосида К. Яшин (раис), Гафур Ҳусом, Охундӣ, Н. Сафаров ва бошқа ўртоқлар бер. Юбилей шу йил август ойда бўлади. Тошкент жамоатчилигининг умумшаҳар йилги йилги академик Гафур Ҳусом Собир Абдулланинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида доклад қилади. Ўзбекистон ОССР Давлат нашриёти юбилейнинг танланган асарларини босиб чиқаради. «Шарқ юлдузи» ва «Звезда востока» журналларида шоир ва драматургининг ҳаёти бршилади. Республика театралари Собир Абдулланинг «Тоҳир ва Зухра», «Муқимий» мушаккил драмаларини кўрсатади. Муқимий номи музыкали драма театри Собир Абдулланинг амазоний пьесасини сахнага тайёрламоқда. Композитор Т. Жалилов ва Степанов ва асарга музыка ёзмақда.

3. ЯНГИ ТўПЛАМЛАР

Ўзбекистон Совет ёзувчилар союзи бир гуруҳи ёзувчилари республикамизда об-ластларига юборди. Улар ўзаа парварши соҳасида олиб борилаётган ишлар ҳақида очерк, ҳикоя, шер ва бошқа бадиий асарлар ёзмақдалар. Бу асарлар алоҳида китоб ҳақида нашр этилади.

Ўзбекистон, ОССР Давлат нашриёти «Ху-рофатдан марифатга» деган тўпламини нашрга тайёрлади. Бунда Навоий, Орохий, Аваз Улар Ҳали, Муқимий, Фурқат, Хама, Айни, Гафур Ҳусом, Ойбек, Хамид Олимжон, Абдулла Раҳмон ва бошқа ёзувчиларнинг дининг реакцион моҳиятини фош қилувчи асарлари, фольклор материаллари тўпламларини ҳам нашр этилади.

Т. ОТАКУЛОВ.

Парламентларо Иттифоқдаги СССР Парламент гуруҳасининг мажлиси

Шу йил 5 августда Кремльда СССР Парламент Гуруҳасининг раисининг ўринбосари депутат М. А. Яснов раислигида СССР Парламент Гуруҳасининг мажлиси бўлди. М. А. Яснов айтдики, СССР Парламент Гуруҳасига шу вақтгача 1.250 депутат аъзо бўлиб қолди. Бу эса СССР Олий Совети депутатларининг умумий сонига нисбатан 92 процентдан кўпроқни ташкил қилади.

СССР Парламент Гуруҳаси барпо қилинган вақтда тузилган Муваққат бюро ўрнига, СССР Парламент Гуруҳаси тўғрисидаги Низомга мувофиқ, мажлисида СССР Парламент Гуруҳасининг Комитети сайланди.

СССР Парламент Гуруҳаси Комитети составида куйидагилар қиради: СССР Парламент Гуруҳасининг раиси депутат Д. Т. Шенников, СССР Парламент Гуруҳаси раисининг ўринбосарлари депутатлар О. В. Курушин ва М. А. Яснов, Парламентларо

Иттифоқ Кенгашидаги СССР Парламент Гуруҳасидан вақил бўлиб депутатлар Н. А. Михайлов ва Ю. И. Палецкий, СССР Парламент Гуруҳасининг секретари депутат З. А. Лебедева.

СССР Парламент Гуруҳаси Комитетининг аъзолари СССР Олий Совети депутатлари А. О. Аблазов-Саксе, Б. Э. Алиев, А. А. Андреев, М. Габдуллин, М. А. Иброҳимов, Л. Ф. А. Илдинов, З. Имомқолимова, Н. А. Кайилов, С. Камолов, Е. В. Ломташвили, А. П. Лукин, Г. В. Петросян, А. М. Сафронов, Н. С. Тихонов, М. Туреунова сайландилар.

Парламентларо Иттифоқининг шу йил 25 августда Хельсинкида олинганда 44-чи конференциясида СССР Парламент Гуруҳасидан мажлисида делегация сайланди. Бу делегация СССР Парламент Гуруҳаси аъзолари бўлган депутатлардан 29 киши составида сайланди.

Совет ҳукумати блан Германия Федерал Республикаси ҳукуматининг бир-бирларига юборган ноталари

7 июнда СССРнинг Франциядаги Элчи-хонаси Германия Федерал Республикасининг ГАРбий Германиянинг Элчи-хонасига иккала мамлакат ўртасида бевосита дипломатия ва савдо муносабатлари, шунингдек маданий муносабатлар ўрнатилиш масаласи юзасидан Совет ҳукуматининг Германия Федерал Республикасини ҳукуматига юборган нотасини топширганлиги илгари хабар бериб ўтилган эди. Совет ҳукуматининг нотасида, Совет Иттифоқи блан Германия

Федерал Республикаси ўртасида дипломатия ва савдо муносабатлари ўрнатилиш масаласини муҳоказма қилмоқ учун Германия Федерал Республикасининг вакиллари К. Аденауэр жаноблари ва Германия Федерал Республикаси ҳукумати томонидан вақил қилинган бошқа шахслар Москвага келишга таълиқ ҳам қилинган эди.

1955 йил 30 июнда Германия Федерал Республикасининг Париждаги Элчи-хонаси СССР Элчи-хонасига куйидаги мазмунда жавоб нотасини топширди.

Германия Федерал Республикасининг нотаси

Германия Федерал Республикаси Ҳукумати Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ҳукуматига унинг 1955 йил 7 июндаги нотасини куйидаги жавобини маълум қилиш шарафига муассардир.

Германия Федерал Республикаси Ҳукумати Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ҳукуматининг ҳар иккала мамлакат ўртасида дипломатик, савдо ва маданий муносабатлар ўрнатилиш масаласини муҳоказма қилиш ва шу билан боғлиқ бўлган масалаларни ўрганиш тўғрисидаги тақдирга розидир. Ҳозирги мавжуд бўлган Федерал Республикаси Ҳукумати мана шундай муҳоказма қилиш ва кўриб чиқиш учун мавзу, бўлиши лозим бўлган масала-

ларни аввало аниқлаб олиниши ҳамда шу масалаларни кўриб чиқиш нобаритини белгилаб олиниш мақсадида мувофиқ деб ўйланади. Шу сабабли у, Федерал Республикасининг ва Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Париждаги Элчи-хоналари ўртасида таъбирасий музокаралар ўтказилсин, бу музокара шунга масалаларни аниқлаб бериши лозим, деб таълиқ қилади.

1955 йил 30 июн.

Совет ҳукуматининг нотаси

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ҳукумати Германия Федерал Республикасини Ҳукуматининг 1955 йил 30 июндаги нотасини олганлигини таъкидлайди. Совет ҳукумати Германия Федерал Республикасини Ҳукуматининг Совет Иттифоқи блан Германия Федерал Республикасини ўртасида дипломатия ва маданий муносабатлар ўрнатилиш масаласини муҳоказма қилишга, шунингдек шу билан боғлиқ бўлган масалаларни кўриб чиқишга мазкур нотада розилик билдирганлигини маълум қилиб қайта қилади.

Шундай қилиб, мазкур масалалар юзасидан музокаралар ўтказишга ҳар иккала томон рози бўлганлиги сабабли СССР ва Германия Федерал Республикасини Ҳукумат Деlegationлари ўртасида мана шундай музокаралар, агар Германия Федерал Республикасини Ҳукумати учун куйидаги муқаддас маъбудат қилинган бўлса, Совет Ҳукуматининг фикрича, шу йил август ойининг охирида, сентябр ойининг бошида Москвада ўтказилиши мумкин бўлади.

Совет ҳукуматининг фикрича, Совет ҳукумати блан Германия Федерал Республикасининг вакиллари Аденауэр бошчилигидаги делегацияси ўртасида музокара вақтида куйидаги масалаларни кўриб чиқиш мумкин бўлади:

Совет Иттифоқи блан Германия Федерал Республикасининг вакиллари Аденауэр бошчилигидаги делегацияси ўртасида музокара вақтида куйидаги масалаларни кўриб чиқиш мумкин бўлади:

Совет ҳукумати ҳар иккала мамлакат ўртасида дипломатик, савдо ва маданий муносабатлар ўрнатилиш учун, албатта, у томон ҳам ва бу томон ҳам бирор даслабки шартлар қўйилмай, деган фикрдадир.

Москвадаги музокара вақтида муҳоказма қилиниши ва ўрганилиши лозим бўлган масалаларни аниқлаш мақсадида СССРнинг ва Германия Федерал Республикасининг Париждаги Элчи-хоналари ўртасида дастлаб таъбирасий музокаралар ўтказилиши деб Германия Федерал Республикасини Ҳукумати томонидан билдирилган нетакка вағдани, Совет ҳукумати мана шундай дастлабки фикр олишга ўтказилиши шартини эътибор билдирмайди. Мана шундай фикр олишувда совет томонидан СССРнинг Франциядаги Элчи-хонаси С. А. Виноградов иштирок қилади.

1955 йил 3 август.

Буржуа-демократик революциянинг ўсиб социалистик революцияга ўтиши ҳақида

Совет ҳақида ва бутун прогрессив инсоният бу йил биринчи рус революциясининг ақлиқ йиллигини нишонламоқдалар. Россияда 1905—1907 йилларда бўлиб ўтган революция империализм давридаги дастлабки халқ революцияси эди. Бу революциянинг ҳаракатлантуручи кучлари пролетариат ва деҳқонлар бўлиб ҳамда революциянинг барча босқичларида пролетариат гегемонлиги ролин ўйнади. Коммунистик партия раҳбарлигидаги пролетариат бу революцияда чор самодержавияси тузли остида олган барча демократик кучларга, даставвал, кўчмаллионда деҳқонларга етакчилик қилди.

Ленин 1905—1907 йиллар революциясини халқ революцияси деб атади, бу революциянинг хусусиятлари ва унинг ҳаракатлантуручи кучлари тўғрисидаги, қўролли қўролдан ва муваққат революцион ҳукумат тўғрисидаги масалани, ишчилар сийфи билан деҳқонлар иттифоқи тўғрисидаги масалани ишлаб чиқди. В. И. Ленин, ишчилар сийфи билан деҳқонлар иттифоқи революциянинг галабосини таъминлашда зарур шарт эканлигини уқдириб кўрсатди. буржуа-демократик революциянинг ўсиб социалистик революцияга ўтиши тўғрисида асослаб берди.

1905 йил май ойида эълон қилинган «Россия социал-демократик ишчи партиясининг III с'езди ҳақида Ахборот»да Ленин, буржуа-демократик революция галаба қозонганидан сўнг ишчи ва деҳқонларнинг социалистик—революция учун, аспауататор сийфлар ҳокимиятини эълариб ташлаш ва пролетариат диктатурасини ўрнатилиш учун кураш бошлангани керак, деб кўрсатган эди.

Меҳнатчилардан ва марксизмининг бошқа душманларидан партия III с'езди қарорларини ҳимоя қилиб, В. И. Ленин ўзининг «Демократик революцияда социал-демок-

ратиянинг икки тактикаси» деган машҳур китобини ёзди.

В. И. Ленин, буржуа-демократик революциянинг ўсиб социалистик революцияга ўтиши учун объектив ва субъектив шартлар мавжуддир, деб кўрсатди. Объектив шартлар — Россия иқтисодий тараққийоти ёришган босқич бўлса, субъектив шартлар — пролетариат ва деҳқонларнинг муайян даражадаги оғлилиги ва уюшганлиги эди. В. И. Ленин бу иккала шартларнинг ўзаро узвий боғлиқ эканлигини айтиб, субъектив факторнинг, яъни революция авангарди бўлган пролетариатнинг, унинг иттифоқини — деҳқонларнинг ҳамда халқ революциясининг раҳбари ва йўл кўрсатиб берувчи кучи — марксизм партиянинг етарли даражада оғли ва уюшганлиги факторининг ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини уқдириб кўрсатди.

Россияда социал революциянинг амалга оширишга қодир бўлган иктамий куч — ишчилар сийфи билан деҳқонларнинг ишчилар сийфи раҳбарлигидаги иттифоқи янги тиниди партия — большевиктик партия бошчилик қилмоқда эди.

Буржуа-демократик революциянинг ўсиб социалистик революцияга ўтиши тўғрисидаги ленинча назария мамлакат ички-ишчилари сийфи кучлар муносабатидан, муайян халқлар шартларидан келиб чиққан эди. Бу ленинча назария, пролетариат ва деҳқонларнинг революцион-демократик диктатураси чор ҳокимиятини ағдариб ташлаш, демократик республикани барпо этиш, барча контрреволюцион кучларни тутатиш, революция алағасини Европага кўчириш ва сўнгра тўғридан-тўғри социалистик революцияга ўтиш учун зарур эканлигини кўзда тутар эди. Ленин, аввал пролетариат революция авангарди сифатида барча деҳқонлар билан иттифоқ тузиб, либерал буржуазияни аж-

ратиб қўйган ҳолда, чор самодержавиясига, помещикларга, ўртасарчиликка қарши бориб, шундай қилиб, буржуа-демократик революциянинг галабосини таъминлаш учун курашди. Сўнгра пролетариат, революция йўлбошчиси бўлиб қолавериб, ўз раҳбарлик ролин амалга оширишга давом этиди, қамбағал деҳқонларни, ақдулатчи қилинган барча омиани ўз ёнига олиб, шаҳар ва қишлоқдаги майда буржуазияни ажратиб қўйган ҳолда, капиталламга қарши олға, социалистик революция сари бориб, деб кўрсатди.

Бу масалалар ҳоққандай шубҳа ва воқеличи бўлмаслиги учун, В. И. Ленин «Социал-демократиянинг деҳқонлар ҳаракатига муносабати» деган мақолада бу масалани қўйилганча тушунириб берган эди: «...Биз демократик революциядан дарҳол социалистик революцияга ўтаб-олаёми, бунда ўз кучимизга, олган ва уюшган пролетариатнинг кучига айна мувофиқ равишда ўтаб-олаёми. Биз узлуksиз революция тарафдоримиз. Биз ярим йўлда тўхтаб қолмаймиз (Асарлар, 9 том, 248 — 249 бетлар).

В. И. Ленин буржуа-демократик революциянинг ўсиб социалистик революцияга ўтиши тўғрисидаги назарияни ишлаб чиқишда Маркснинг узлуksиз революция тўғрисидаги фикрларига, деҳқонларнинг революцион ҳаракатини пролетариат революцияси билан қўшиб олиб бориш тўғрисидаги фикрларига таянди. Ленин, пролетариат революцияси галабосини зарур шарт бўлган иттифоқини, яъни пролетариат билан шаҳар ва қишлоқ ярим пролетариат билан иттифоқи тўғрисидаги масалани тўла асослаб бериб, социалистик революциянинг мутамом назариясини ишлаб чиқди.

Бу ленинча революцион назария, буржуа-демократик революция билан социалистик революция ўртасида 50—100 йил-

лар билан ўзгаришлар узок вақт ўтини керак, демак менъшевиклар ва II Интернационал оппортунистларини фош қилиб ташлади. 1917 йилда Россияда бўлиб ўтган февраль буржуа-демократик ва Октябрь социалистик революциялари Лениннинг тўла ҳақ эканлигини, менъшевиклар, II Интернационал оппортунистлари ҳамда марксизмнинг бошқа барча душманлари ўйлаб чиқарган «назариялар» мутлақо асоссиз эканлигини яқин кўрсатди.

Социалистик революция тўғрисидаги ленинча назария троцкийча «сперматик революция» «назариясини» ҳам охиригача фош қилиб ташлади. Халқ революциясининг кўраги ва қобилиятини илкор этиш, пролетариатнинг куч ва қобилиятларига имонсизлик, деҳқонларнинг революцион куч бўлишидек иктамийларнинг таълим олмалиги бу «назарияга асос бўлган эди. Бу эса пролетариат диктатураси тўғрисида ленинча назарияни илбор этиш билан бошқа нарса эмас эди.

В. И. Ленин ўзининг «Демократик революцияда социал-демократиянинг икки тактикаси» деган китобида социализмнинг айрим олинган бир мамлакатда галаба қилиши мумкинлигини тўғрисидаги ҳуқуқсиз ишчилар учун барча ёш деярли барта асосий элементларини берган бўлса, 1915 йилда ёзилган «Европа қўшма Штатлари илбори тўғрисида» деган тарихий мақолада узил-кесил равишда шундай ҳуқуқсиз амал қилиб, Ленин марксизмининг социалистик революциянинг янги назария билан бойлиги, коммунистик партия революцион тактика ва стратегиясининг асосларини ишлаб чиқди. Коммунистик партия ана шу тактика ва стратегияга амал қилиб, Улут Октябрь социалистик революциясининг галабосини таъминлади.

В. И. Ленин ўзининг машҳур Апрель тезисларида Коммунистик партияга буржуа революциядан социалистик революцияга ўтишнинг конкрет революцион йўлини кўрсатиб берди. Бу тезислар буржуа-демократик революциядан социалистик революцияга, революциянинг биринчи этапидан унинг иккинчи этапига — социалистик революцияга ўтишга ўтиш учун Коммунистик партия олиб бориб курашга асос бўлди. Ишчилар сийфи билан деҳқонларнинг ишчилар сийфи раҳбарлик ро-

лини ўйнайдиган иттифоқи, социалистик революция назариясида асос қилиб олинган иттифоқи тўғрисида ленинча илбор мамлакатимизда тўла таъинга қилиди. Эндилда ишчилар билан деҳқонларнинг мутамом иттифоқи СССРда социализмни кўриб тутилган ва аста-секин коммунизмга ўтишни амалга оширишда бую

Пахтакор ва механизатор ўртоқлар, барча майдонлардаги ғўза тупларида ҳосилнинг мўл бўлиши учун курашайлик!

«...Биз йиғим-теримгача қолган вақт ичида аҳволни тузатишимиз, ривожланишдан орқада қолган ғўзаларни яхшилаб олишимиз ҳамда давлатга пахта топшириш юзасидан белгиланган планини ва социалистик мажбуриятимизни қоплайдиган даражада ҳосил тўплашимиз мумкин. Бунинг учун бутун август давомида далаларда ишни сра тўхтатмасдан, гайрат ва матонат кўрсатиб меҳнат қилишимиз зарур. Август — пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун курашда ҳал қилучи ойdir».

(Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети Мақтубидан).

УСТА ПАХТАКОР

Оқўрғон районидagi Бўдённий номидаги пахта устаси деб аташади. Бу ғўзаларда меҳнат қилишнинг нисбатан зўр самийи хурмат туйғуларини ифода қилади.



